

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□:

Аллоҳ таоло: «**Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар**» (Ҳашр сураси, 7-оят).

«**Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир**» (Ван-нажм сураси, 3-4-оятлар).

«**Айтинг (Эй Муҳаммад), агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади**» (Оли-Имрон сураси, 31-оят).

«(Эй мўминлар), сизлар учун - Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқоди ва хулқи, атвори)да гўзал намуна бордир» (Аҳзоб сураси, 21-оят).

«**Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар**» (Нисо сураси, 65-оят).

«**Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз**» (яъни, Қуръон ва суннатга)» (Нисо сураси, 59-оят).

«**Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди**» (Нисо сураси, 80-оят).

«**Албатта сиз (ўзингизга тушган ваҳий ёрдамида) тўғри йўлга етаклайсиз**» (Шўро сураси, 52-53-оятлар).

«(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна - кулфат етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар!» (Нур сураси, 63-оят).

«**Уйларингизда Аллоҳнинг оятлари ва ҳикмат (яъни, пайғамбар ҳадислари)дан иборат тиловат қилинадиган нарсаларни зикр-тиловат қилинглар**» (Аҳзоб сураси, 34-оят), деб айтган.

163 - □□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ :□□□□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□» :□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□

1337 [7288] .«[]».

1. 163. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Мен айтмаган нарсаларни мендан сўраманглар! Сизлардан олдингилар набийларидан савол сўрайверганлари ва улар билан ихтилоф қилганлари туфайлигина ҳалок бўлишган. Қачон бирон нарсадан сизларни қайтарсам, ундан четланинглар. Қачон сизларни бирон ишга буюрсам, кучингиз етганича уни бажаринглар!»**

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz

